**Ушбу сонда:**
2 ВИЖДОН ҲАР ИШДА МЕЗОН БЎЛСИН
3 ҒУРУРЛИ ИНСОН МЎЪЖИЗАЛАР ЯРАТИШГА ҚОДИР
4 ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI – FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN

ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

**2005 йил 16 июл, шанба № 112 (1953)**

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

## «ЁШ ТЎҚИМАЧИ»ДА БАРЧА ШАРОИТ МУҲАЙЁ

***«Бухоротекс» АЖ қошидаги «Ёш тўқимачи» болаларнинг соғломлаштириш масканида жорий ёз мавсумида 920 нафар бола ҳордиқ чиқаради.***

— Бу ерда шу вақтгача 400 бола саломатлигини тиклаб дам олишга улгурди, — деди «Бухоротекс» касаба уюшма қўмитаси раиси Ибодулло Каримов. — Соғломлаштириш лагерида фарзандларимизнинг дам олишлари учун барча шароитлар яратилган. Жўйизар канали бўйида жойлашган «Ёш тўқимачи»даги мевазор, кўҳна чинорлар салқинида ёзнинг жазирамаси унчалик сезилмайди, лагердаги катта ҳовузда эса болалар мазза қилиб чўмилишади. Шунингдек, дам олиш масканида турли спорт мусобақалари ташкил этиляпти, ижодий тўгараклар мунтазам ишлаб турибди. Болалар ҳузурига Бухоро қўғирчоқ театри жамоаси тез-тез келиб туради, вилоят марказидаги музей ҳамда кўргазмалар залига саёҳатлар ва концерт дастурлари уюштирилмоқда.

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИ ТАНЛАГАН ДЕМОКРАТИЯ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

## Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов Европа ривожланиш модели тарафдори, бироқ диний ақидапарастликка қарши

Мен 2005 йилнинг 10-24 май кунлари Корея Республикаси Президенти Но Му Хённинг Ўзбекистонга ташрифи давомида унга ҳамроҳлик қилган делегация таркибида ва ўзимнинг хизмат вазифаларим юзасидан Тошкентда бўлдим. Шу боис, Ўзбекистондаги вазиятни яхши биламан ва 13 май куни Андижонда содир этилган воқеалар хусусида ўз фикримни айта оламан.

Мен Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ва республика ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг айрим оммавий ахборот воситаларида «исёнчилар» деб тақдим этилган экстремистларни зудлик билан бартараф этганининг гувоҳи бўлганман.

Ислом Каримов эрта тонг, соат 7.30да Андижонга етиб бориб, операцияга шахсан раҳбарлик қилди. Маҳалла қўмиталари фаоллари ва вакиллари билан учрашди. Ўзбекистон жамоатчилиги экстремистларни қўллаб-қувватламади. Президент Ислом Каримовнинг шахсий саъй-ҳаракатлари натижасида экстремистларнинг хуружларига бир куннинг ўзида чек қўйилди.

14 май куни Ўзбекистон Президенти Андижон воқеалари муносабати билан хорижий журналистлар учун матбуот анжумани ўтказди ва у телевидение орқали бир неча марта намойиш этилди. Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори Р.Қодиров ҳам 17 май куни ушбу воқеа юзасидан жиноий иш қўзғатилиб, тергов ишлари бошлагани тўғрисида батафсил интервью берди.

Ишончим комилки, Андижондаги воқеалар фақат бир мақсадда, яъни қонуний ҳукуматни ағдариш ва ислом давлати қуриш учун уюштирилган. Чунки, жиноятчилар сўнгги йилларда Ўзбекистон ҳудудида қатор террорчилик ҳаракатларини амалга оширишда иштирок этган «Ҳизб ут-Таҳрир» ташкилоти фаоллари ҳамда диний экстремистларнинг етакчиларини озод этишни талаб қилди.

Мазкур ақидапараст ташкилотнинг ваҳшиёна таҳдидлари ҳақида гапирар эканман, исроиллик эксперт Рювен Даниелнинг «Haaretz» газетасида чоп этилган «Ёвузлик ва террор йўлидаги мустаҳкам тўсиқ» номли мақоласидан парча келтирмоқчиман: «Ҳизб ут-Таҳрир» ўз мақсадларига эришиш учун Ўзбекистонни синов полигони сифатида танлади. Агар улар бу мамлакатни ўз назоратига олишга муваффақ бўлса, бутун Марказий Осиёни эгаллаши учун йўл очилади...»

«Фақат 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан кейингина Америка Қўшма Штатлари ўзининг аччиқ тажрибасида «Толибон»нинг асл қиёфасини кўра олди ва Афғонистонда толиблар тузумини ағдариб ташлади. Бироқ хавф-хатар ҳамон сақланиб қолмоқда. Толиблар ҳокимиятдан маҳрум этилган бўлса-да, улар ҳануз бутун Афғонистон бўйлаб фаол ҳаракат қилмоқда ва қўшни мамлакатларга, жумладан, Ўзбекистонга ҳам хавф солмоқда. «Ҳизб ут-Таҳрир» етакчилари Лондон ва Парижда сиёсий бошпана ва паноҳ топаётганини, бу базалардан туриб очиқчасига ҳаракат қилаётганини кўрганда кишида «deja vu» (такрор туюлувчи воқеалар) ҳисси кучаяди...»

Мен ҳам террорчилик ва диний экстремизмга қарши инсон сифатида, JIoHflOHetдаги диний ақидапарастлик ва фатанизмни тарғиб қилувчи «Ҳизб ут-Таҳрир» экстремистик ташкилоти марказини ниҳоят ёпиш бўйича чора-тадбирлар кўриш тўғрисидаги ҳокимиятларга қаратилган мурожаатга қўшиламан.

Бирлашган Қироллик Ироқ ва Афғонистонда олиб борилаётган операцияларда иштирок этаётгани сабабли ҳам, менимча, Буюк Британия ҳукумати диний ақидапарастлик ва экстремизм мафкурачиларини иложи борича тезроқ аниқлаши ва шу тариқа «Ҳизб ут-Таҳрир» ташкилотини ва унинг Ўзбекистондаги қўпорувчилик фаолиятини молиялаш каналларини беркитиб қўйиши лозим.

(Давоми 2-бетда)

# “ЎЗДЭУАВТО”НИ ДУНЁ БИЛАДИ

***Мустақиллик туфайли эришаётган ютуқларимизда Андижон меҳнаткашларининг ҳам ҳиссаси катта эканлигини кўпчилик яхши билади. Қишлоқ хўжалиги соҳасида чигитни плёнка остида ундириб, юқори ҳосилдорликка эришиш, буғдойнинг серунум ва янги навларини яратиб, 80 центнергача мўл маҳсулот етиштиришнинг ҳадисини олишда ташаббуслар кўрсатган замин меҳнаткашлари айни пайтда машинасозлик саноатида ҳам муваффақиятларга эришмоқда.***

Юртбошимиз Асака туманининг ижтимоий ва иқтисодий салоҳиятига тўхталиб: - бу ерда бир қанча қўшма корхоналар, шу жумладан, машина ишлаб чиқариш заводини барпо этиш таклифини киритганда, аксарият одамлар ҳали бу жараён узоқ давом этса керак, деб ўйлашганди. Лекин ўша куни - аниқроғи 1993 йилнинг 19 июлидаёқ Асакада Жанубий Кореянинг ДЭУ корхонаси билан ҳамкорликда енгил автомашиналар ишлаб чиқариш учун жой ҳозирлашга киришилди. Албатта, дастлабки жараён осон кечгани йўқ. Дастгоҳларни олиб келиш, цехлар барпо этиш, ёшларни ишлаб чиқариш соҳаларига тайёрлаш буларнинг барчаси замирида фаол ҳаракат ва катта маблағ талаб этиларди. Шунга қарамай ҳукуматимиз етарлича шарт-шароитларни яратиб берди. Мана шу аснода дунё машинасозлиги саноатидан яна битта давлат - Ўзбекистон ўз ўрнини топди.

Ишлаб чиқариш жараёнига назар ташланса, у йил сайин ривож топиб, истеъмолчи учун ҳар томонлама қулай ва жаҳон талабларига жавоб берадиган янги-янги машина турлари билан бойитилмоқда. Масалан, дастлабки йилларда уч хилдаги автомобиллар ишлаб чиқарилган бўлса, ҳозирги кунда улар сони яна учтага кўпайди. Яна бир аҳамиятли жиҳати - 1996 йилда жами 25.344 та турли русумдаги автомобиллар ишлаб чиқарилиб, шундан 880 таси экспорт қилинганди. Жорий йилнинг шу кунигача эса 52 мингта машина ишлаб чиқарилиб, экспорт ҳажми аввалгиларга нисбатан бир неча ўн ҳиссага кўпайди. Бу - юртимизда ишлаб чиқарилаётган машиналарга хорижий давлатларда талаб ортаётганидан далолат.

“ЎзДЭУавто” машиналарининг сифатлилиги ва қулайлиги кўплаб давлатлар билан шу соҳада ҳамкорлик қилишга ҳам имкон яратаётир. Ҳозирги кунда Россия, Қозоғистон, Украина ва Белорусда автосалонлар ишлаб турибди.

Асосий масалалардан бири - ишлаб чиқаришни




янада кенгроқ шакллантириш, мутахассисларни етказиб беришга қаратилганлигидир. Ҳозирги кунда корхонада 4086 нафар ишчи меҳнат қилади. Ҳукуматимизнинг саъи-ҳаракати туфайли улардан 3400 нафари Жанубий Кореяга бориб касб маҳоратини ошириб қайтган ва қайта ўқитилган. Ўндан ортиқ цехларда меҳнат қилаётган ишчилар корхона маъмурияти ва касаба уюшмаси томонидан жамоа шартномаси бўйича ижтимоий муҳофазага олинган. Ҳар куни иссиқ овқат, ишга қатнаш учун машина ажратилган ва ишчи коржомаси - буларнинг барчаси корхона ҳисобидан.

Булардан ташқари ҳар бир бригада ўз дам олиш жойига эга. Шунингдек, меҳнат аҳлини ижтимоий муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилаётир. Бу ишда касаба уюшмаси ҳамиша бошқош. Ўтган мавсумда 450 нафар киши бепул йўлланмани қўлга киритганди, жорий йилнинг шу кунигача салкам

***Фахр***

яна шунча киши санаторий ва профилакторийларда даволаниб, соғлигини тиклаб олди.

Ишчи соғлиги ҳамиша диққат-марказда бўлиб келаётир. Шу сабабли улар тез-тез корхона ҳисобидан тиббиёт кўригидан ўтказилиб, касаллик аломатлари аниқлангудек бўлса, вилоят клиникаси орқали даволантирилади. Бу соҳага саккиз миллион сўм ўтказилган ва ҳозиргача 46 нафар киши дардига даво топди.

Сирасини айтганда машина заводи ва бошқа кўплаб қўшма корхоналарнинг ишга туширилгани нафақат асакаликлар, балки вилоятдагилар учун ҳам ёшларни доимий ишли бўлишини таъминлашга имкон яратди. Ёш мутахассисни қўллаб-қувватлаш, уни касбга тайёрлаш ва шароитлар яратиш мақсадида корхонада узлуксиз тадбирий ишлар олиб борилаётир. Мисол учун, ишчи-хизматчиларга ва ёш оилаларга қулай бўлиши учун “Асакабанк” ҳамкорлигида халқ истеъмоли моллари бўйича кредит ташкил этилган. Ҳозиргача 347 миллион сўм маблағ ажратилиб, 900 нафар киши ундан имтиёзли фойдаланди.

Ишчи-хизматчилар қаторида улар фарзандларини соғломлаштириш ишлари жамоа шартномасидан кенг жой олган. Ўтган мавсумда бунинг учун 17 миллион сўм ажратилиб, 406 нафар ўғил-қизлар вилоятдаги энг сўлим “Шифокор”, “Нур”, “Машъал”, “Энергетик” каби оромгоҳларда дам олдирилганди. Жорий йилги мавсумда ҳам бу тадбирлар янада жонлантирилиб 500 нафар ўқувчини оромгоҳлардан баҳраманд этиш кўзда тутилган.

(Давоми 2-бетда)

# ОЛМАЛИҚ ОЛТИНТОПАРЛАРИ

***Мамлакатимиз иқтисодиёти ривожини кон-металлургия саноатисиз тасаввур этиш қийин. Мустақилликнинг дастлабки йиллариданоқ мазкур соҳани жадал ривожлантиришга, энг замонавий техника ва технологиялар билан жиҳозлашга катта эътибор қаратилгани бежиз эмас. Бу борадаги кенг кўламли тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Бугун тоғ-кон ва кон-металлургия саноати корхоналари нафақат ички, балки жаҳон бозорига ҳам қора ва рангли металл етказиб бермоқда. «Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик жамияти ана шундай истиқболли корхоналардан саналади.***




Корхонанинг мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти тобора ортиб бораётир. Бу ерда ҳар йили ўнлаб миллион тонна тоғ жинслари қайта ишланиб, улардан ўн икки хил кимёвий элемент ажратиб олинмоқда. Тайёрланаётган олтин, мис, қўрғошин, рух, теллур каби нодир металлар ўзининг ғоят юқори сифати билан жаҳон бозорида рақобатлашмоқда.

Мамлакатимизнинг табиий захираларга бойлиги, улардан оқилона фойдаланилаётгани боис катта муваффақиятларга эришилмоқда. Мис-молибденга бой «Қалмоққир» ана шундай нодир конлардан бири. У комбинатнинг асосий хомашё манбаи ҳисобланади.

Қурама тоғлари бағрида жойлашган, узунлиги уч, кенглиги салкам икки километр, чуқурлиги 430 метрга тенг бўлган ушбу кон дунёдаги энг йирик ва нодир конлардан ҳисобланади.

...Замонавий тоғ-кон транспорти воситалари бир зум тиним билмайди. Бир пайтнинг ўзида 15 кубометргача жинсни юқорига кўтариб берадиган улкан экскаваторлар шовқини тинмайди. 80-100 тонналик баҳайбат автоуловлар улкан чуқурликдан ҳайбатли харсангларни юқорига олиб чиқади. Улар темир йўл орқали мис бойитиш фабрикасига пешма-пеш жўнатилади.

Бу конда Ўзбекистон Қаҳрамони Жонсаид Турдиев ва унинг ҳамкасабалари ишлайди ва жамоа аъзолари бир кеча-кундузда етмиш минг тонна атрофида маъдан қазиб олади. Қудратли ва мураккаб техникани бошқариш улардан катта куч ва маҳорат талаб этади.

Комбинат таркибида маъданни очиқ усулда қазиб олиш конлари бир тараф бўлса, бойитиш фабрикалари, металлургия заводлари, иссиқлик электростанцияси, таъмирлаш-механика заводи, автотранспорт ва темир йўл бўлинмаларини бирлаштирувчи мураккаб улкан саноат мажмуи бир тараф. Аммо бунёдкорлик, яратувчанлик иштиёқидаги мақсадлар - муштарак. Шу йўлда сон ва сифат кўрсаткичларини ошириш, атроф-муҳит муҳофазасини кучайтириш тадбирлари изчил давом эттирилмоқда.

Жумладан, мис эртиш заводида мисни кислород машъаласида эритиш йўлга қўйилди. Бу янгилик маъдандан олтин ажратиб олиш ҳажмини кескин оширди. Яллиғ қайтарувчи печда металл эритиш жараёни такомиллаштирилгани маҳсулот олиш ҳажмини ошириш, печдаги жуда муҳим қисм - ўтга чидамли ғиштларнинг яроқлилик муддатини янада узайтириш имконини берди.

Олмалиқ металлурглари ўз корхонаси истиқболига катта ишонч билан қарамоқда. Бу ерда рангли ва қимматбаҳо металлар қазиб олиш ва қайта ишлашни кўпайтириш, сифатини янада яхшилаш асосий масала бўлиб турибди. Шу мақсадда ишлаб чиқариш жараёнини замонавий техника ва технология билан жиҳозлаш юзасидан махсус дастур амалга оширилмоқда.

Мустақиллик йиллари ишлаб чиқилган ва изчил бажарилаётган мазкур дастурда комбинат корхоналарини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 613 млн. АҚШ доллари миқдорида маблағ сарфлаш кўзда тутилган. Дастур 2007 йилгача тўла бажарилиши лозим. Шунда конлардан қазиб олинадиган маъданнинг йиллик ҳажми 37 млн. тоннага етади. Бу эса Олмалиқ металлургларига йиллик нодир металлар тайёрлаш ҳажмини кескин кўпайтириш, жаҳон бозоридаги мавқеини янада мустаҳкамлаш имконини беради.

**(ЎзА)**

## БЕБАҲО ЎСИМЛИК

***Фориш туманидаги «Қизилкум» ширкат хўжалигида қишки озуқа жамғаришга катта эътибор берилаётир. Махсус бригада аъзолари кунига оғирлиги йигирма килограмм келадиган тўрт минг тойдан зиёд янтоқ пресси тайёрлаяпти. Хўжалик чорвадорлари қишловга 5 минг тонна шундай пичан жамғаришни режалаштирган.***

Хўжалик қоракўлчилари бу йил 10 минг 626 бош соғлом қўзи олиб, қўйлар сонини 300 минг бошдан оширди. Бунда озуқа базасини мустаҳкамлаш асосий омиллардан бири бўлмоқда.

- Янтоқ қоракўл қўйлари учун қишда энг яхши озуқа бўлади, -дейди хўжалик раҳбари Қарсибек Ўришев. - Бу йил яйловларимизда янтоқ мўл бўлди. Ёзнинг шу пайтида ўрилиб, нами кетмасдан тойланган янтоқнинг тўйимлилиги юқори бўлади. Ҳозиргача тайёрланган хашак 400 тоннадан ошди.

## ТАДБИРКОРГА КАТТА ЭЪТИБОР

***Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, хусусий тармоқни ривожлантиришга катта эътибор қаратила бошлади. Ўтган давр мобайнида бу соҳада сезиларли ютуқларга эришилди.***

Мен ҳам ҳукуматимиз томонидан яратилган имкониятлардан фойдаланиб, 1992 йилда «Меҳригиё» кичик корхонасини ташкил этганман. Корхонамизда доривор гиёҳлар қайта ишланади. Айни пайтда 15 турдан ортиқ маҳсулот тайёрлаяпмиз. Икки гектар майдонда ўзимиз шифобахш ўсимликлар етиштирамиз. Даромадимиз ёмон эмас. Олтмиш нафар ишчимизнинг моддий манфаатдорлигига ҳам алоҳида эътибор беряпмиз.

Бироқ, шу пайтга қадар кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига халал бераётган айрим тўсиқлар сабаб ишимиз жуда секинлик билан илгари силжиётган эди. Президентимизнинг яқинда қабул қилган «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва шу борадаги бошқа ҳужжатлар бу соҳадаги муаммоларга чек қўйди. Биз, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида кўрсатилаётган ғамхўрликнинг яққол намунаси бўлди.

Тадбиркор ҳалолликни ўзига шиор қилиб олса, ўз манфаатини эл-юрт манфаати билан уйғун ҳолда кўрса, иши бароридан келади. Биз ҳам яхши ниятда халқимизга хизмат қилиб келяпмиз. Ҳуқуқини билган тадбиркор ҳеч қачон қоқилмайди, сарсон-саргардонликка учрамайди. Берилган имкониятлардан самарали фойдаланиб, ишлаб чиқариш қувватини янада оширмоқчимиз. Маҳсулотларимизни чет элга экспорт қилишни ҳам режалаштирганмиз.

## ТАЪТИЛ ДАВОМ ЭТАДИ

***Шу кунларда мамлакатимиздаги барча ёзги дам олиш масканлари болажонлар билан гавжум. Бугунгача биргина пойтахтликларнинг 25 минг нафарга яқин фарзанди Тошкент шаҳри ва вилоятидаги сўлим оромгоҳларда ҳордиқ чиқариб қайтди.***

- Мавсумга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказишга қаратилган чора-тадбирларга шаҳримизнинг тегишли ташкилот ва корхоналари муносиб ҳисса қўшиб келмоқда, - дейди Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмасининг масъул ходими Ирода Ҳикматова. - Шаҳарда қолган болажонларни режа асосида кундузги соғломлаштириш оромгоҳларига, пойтахтимиздаги маданият ва истироҳат боғларига, клуб ва кутубхоналарга жалб этяпмиз.

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларига, икки минг нафарга яқин Оролбўйи болаларига бепул, ўсмирлар спорт мактаблари ўқувчиларига имтиёзли йўлланмалар берилаётир.

Тошкент шаҳар касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси кенгашидан олинган маълумотга кўра, бу йилги ёзги таътил охиригача яна йигирма минг нафарга яқин пойтахтлик бола сўлим оромгоҳларда дам олади. Улар мавсумни сермазмун, мароқли ўтказишлари учун ҳар хил кўнгилочар ўйинлар, оромгоҳлар ўртасида спорт мусобақалари ташкил этиляпти.

Айни пайтда оромгоҳларга болаларни қабул қилишнинг учинчи босқичи бошланди.

**(ЎзА)**

***Қарор ва ижро***

# ТАЙЁРГАРЛИК СУСТ

## боиси нимада?

***Вазирлар Маҳкамасининг кейинги икки йилдаги икки қарори куз-қиш мавсумларида иқтисодий тармоқлар барқарорлигини сақлаш, табиий газ етиб бориши қийин бўлган узоқ минтақалардаги аҳолини муқобил ёнилғи билан таъминлашга қаратилган. Ҳукуматимизнинг шу йил 27 майда қабул қилган 85-сонли қарорида бу йўналишда бажарилиши лозим бўлган вазифалар лўнда ифодалаб берилган. Хўш, мавсумга жойларда қандай тайёргарлик кетаяпти.***

Бир пайтлари янги ерларни ялпи ўзлаштиришга муккадан кетиш оқибатида қатор коммуникация ишлари қўл учида бажариб келинган. Оқибатда, айниқса газ қувурлари тортишдаги юзакичилик, режалаштиришдаги нуқсонлар 2004 йил кузи, 2005 йил қишида юзага қалқиди. Ҳududдаги аксарият тармоқлар юқори босимга дош беролмади. Оқибатда қатор қишлоқлар газ таъминотидан бенасиб қолишди. Энг ачинарли аҳвол «Фарғона», «Андижон» деҳқон-фермер хўжаликлари ҳудудида кузатилди. Мавжуд вазиятни ўнглаш, ҳукумат ва вилоят ҳокимлиги қарорлари ижросини таъминлашга эрта кўкламданоқ киришилди. Кузги-қишки мавсумга тайёргарликни таъминлаш комиссияси тузилиб, унга туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Бахтиёр Зинабадинов масъул этиб белгиланди.

Комиссия қўл қовуштириб турмади. Ҳудуддаги кўп қаватли уйлар томини таъмирлаб, иситиш тизимларини тартибга келтиришни ташкил этди. Найман қишлоғига 3 километрлик газ қувурлари тортилди. Мардон қишлоғи газ, тоза ичимлик сув билан таъминланди, Бўстон, Фарғона қишлоқлари аҳолиси «зангори олов»дан баҳраманд бўлди. Хуллас, бажарилиши лозим бўлган ишлар комиссия йиғилишларида муҳокама этиб борилаяпти. Эътиборли жиҳати, бунда маҳалла, қишлоқ фаоллари кўмагидан фойдаланишга интилиб келинаяпти. Бироқ, барибир, кенг кўламли тадбирларнинг аксарияти ҳануз оғизда таъкидланаётгандек, июл ойигача мўлжалланган ишлар оқсаётгандек, назаримизда. Шу ўринда бир мисол. Туман газ таъминоти корхонаси «Фарғона» деҳқон-фермер хўжалигида Чинобод, Ўринов, Муқимий, Қодирий номли кўчалардаги таъмирлаш, газ қувурларини тортиш, қўшимча ГТК, ГРП аппаратларини ўрнатиш, шунингдек, «Андижон» ДФХБдаги Яссавий ва Бобур маҳаллаларида муайян ишларни поёнига етказиши керак эди. Шунингдек, «Сардоба» қўрғонидаги Навоий номли маҳалланинг иккита, С.Раҳимов номли маҳалланинг тўртта кўчасида ҳам жорий таъмир мўлжалланган. Аммо ҳали бу борада жўяли бирон-бир ишга қўл урилганича йўқ. Пайсалга солишнинг боиси нимада?

– Муҳим ишга масъулиятсиз ёндошганлиги сабаб газ таъминоти корхонаси раҳбари ўз вазифасидан бўшатилди, – дейди туман ҳокими биринчи ўринбосари, комиссия раиси. – Энди мазкур нуқсонларни бартараф этиш чорасини кўрамиз.

Яна бир эътирозли ўрин. Туманда ҳали-ҳануз аҳолини кўмир ва бошқа ёнилғи тури билан таъминлаш борасида ҳам айтарли ҳеч иш қилинмаган. 2005-2006 йил кузқиши учун 50 тонна кўмир захирасини яратиш, июн ва июл ойларида 20 тонна кўмир келтирилиши режалаштирилибди, холос. Аммо ҳали кўмир олиб келишнинг иложи бўлмабди. Мутасаддилар тақсимотга кўра ҳали кўмир олиш навбати келмаганлигини эътироф этишди. Билмадик, осмондан чалпак ёғадиган кунни кутиш жоизмикан. Яна бир гап. Тумандаги 17 та аҳоли пункти, 6730 дан ошиқ хонадоннинг ёқилғи захирасига эҳтиёжи қанча, уларда қабул қилиш, сақлаш имкониятлари ҳам ўрганиб қўйилса ёмон бўлмасди. Чунки қоғозда қолаётган 50 тонналик кўмир билан қайси хонадонларни иситиш мўлжалланса, мақсадга мувофиқ бўларди.

Халқимиз, вақтинг кетди – нақдинг кетди, дея бежизга айтмайди. Оқолтинликлар ўтган йилги муаммолардан тўғри хулоса чиқариб, бугун отни қамчиламасалар, эртага яна кеч бўлиши турган гап.

**Н.ШАМСИЕВ,**
**«Ишонч» мухбири**

# “ЎЗДЭУАВТО”НИ ДУНЁ БИЛАДИ

(Боши 1-бетда)




Корхона маъмурияти ва касаба уюшма ҳамкорликда олиб бораётган тадбирлар орасида ён-атрофдаги маҳаллалар ва кам таъминланган кишиларни оталиққа олиш масаласи алоҳида ажралиб туради. Сиҳат-саломатлик йилида Муқимий номли маҳаллада истиқомат қилаётган 20 нафар бола оромгоҳларда дам олдирилди ва у ерда спорт майдони қурилиб, фойдаланишга топширилди. Шунингдек, тумандаги 10-мактаб, 21-болалар боғчаси, шаҳар марказий шифохонаси, туман сув таъминоти каби ташкилот ва ўқув муассасаларини капитал таъмирлаш ишларида яқиндан кўмаклашилмоқда. Тўрт нафар ногиронга эса аравача олиб берилди.

Ишчиларнинг меҳнатдан сўнг мазмунли дам олишини таъминлаш бўйича турли мусобақа ва тадбирларни ўтказиб туриш доимий анъанага айланган. Футбол, волейбол, бокс каби спорт секциялари ишлаб турибди. Яқинда ана шу





корхонанинг ёш ишчиси Умиджон Ҳотамов спортнинг муайтай тури бўйича республика мусобақасида иштирок этиб, совринли ўринни қўлга киритди ва Таиландда ўтадиган жаҳон чемпионатига йўлланма олди. Корхона унинг бориб келиши учун уч миллион сўм маблағ ажратди.

Корхона касаба уюшмаси раиси Мирфозил Олимовнинг таъкидлашича, ёшлар орасида ҳар жиҳатдан ўрнак бўладиганлар жуда кўп. Тоҳир Зокиров, Акрам Жўрабоев, Сайдулла Тожибоев, Равшанбек Эрматов, Аброр Сотволдиев, Фозил Мадаминов, Равшан Худойбердиев, Фарҳод Нишонов, Маҳмуджон Умирзоқов, Жалолиддин Ботировлар шулар жумласидан. Бу умидли ёшлар ишлаб чиқаришни жадаллаштириш билан бирга уста-шогирдлик анъаналарини ҳам қарор топтиришмоқда.

**А. ҲАҚБЕРДИЕВ,**
**“Ишонч” мухбири**

**Суратларда: корхона ишлаб чиқаришидан лавҳалар.**

# ЎЗБЕКИСТОННИ ЎЗИ ТАНЛАГАН ДЕМОКРАТИЯ ВА БОЗОР ИСЛОҲОТЛАРИ ЙЎЛИДАН ҲЕЧ КИМ ҚАЙТАРА ОЛМАЙДИ

(Боши 1-бетда)

Барчамиз Ўзбекистон террорчилик ва диний ақидапарастликнинг тарқалиши йўлидаги охирги тўсиқ бўлиши мумкинлигини ўз вақтида англаб етишимиз даркор. Фикримча, Россия мудофаа вазири Сергей Ивановнинг Россия-НАТО Кенгаши мажлисида ва Ислом Каримовнинг Россияга ташрифи чоғида Афғонистонда айни пайтда «экспорт учун террорчиларни тайёрлаш бўйича аниқ мақсадли ва режали ишлар» давом этаётгани тўғрисида айтган сўзлари айни ҳақиқатдир. Бундай юқори мартабали ва хавфсизлик масалаларини яхши биладиган шахс худа-беҳуда гапириб, Андижонда содир этилган воқеалар айнан Афғонистон ҳудудидан туриб бошқарилган, деган гапни тасодифан айтган бўлиши мумкин эмас.

Ислом Каримов узоқни кўра биладиган сиёсатчи сифатида эътиборимизни Марказий Осиё, чунончи, Афғонистондаги вазиятга яна бир бор қаратгани бежиз эмас. 2005 йил 6 июлда у Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Остона саммитида қайд этганидек: «Кейинги пайтларда рўй берган воқеаларда пировард мақсади минтақадаги кучларнинг сиёсий ва иқтисодий мувозанатини ўз фойдасига ўзгартириш ва минтақада ўз ҳукмронлигини ўрнатишга қаратилган, узоқни кўзлайдиган катта стратегик пинҳона режанинг фақат айрим қирраларигина намоён бўлди».

«Бу кучларнинг турли экстремистик ва айирмачи тузилмалар билан қўшилиб бораётгани, шунингдек, ашаддий диний ташкилотлардан, гарчи ўзлари бошқа вазиятда уларни террорчи ташкилотлар рўйхатига киритган бўлса-да, ўз мақсадлари йўлида фойдаланишдан ҳам тоймаётгани билан боғлиқ фактлар ҳам жиддий хавотир уйғотмасдан қолмайди».

«Афғонистонда кейинги йилларда кўкнори экиладиган ер майдони сатҳи ва героин ишлаб чиқариш микдори тобора кўпайиб бормоқда. Таассуфки, Афғонистонда турган хорижий қуролли кучлар контингенти бу жараёнга заррача бўлсин амалий таъсир ўтказмаяпти».

Биз ушбу хавф тўғрисидаги огоҳлантиришларга жиддий эътибор беришимиз керак, деб ҳисоблайман.

Шу билан бирга, баъзи Ғарб давлатлари ва ташкилотлари қаттиқ талаб қилаётган Андижонда рўй берган воқеалар юзасидан мустақил халқаро текширув ўтказиш зарурлиги масаласига ҳам тўхталмоқчиман. Масаланинг, Ўзбекистон гўёки содир этилган воқеалар текширувига холис ёндашмайди ва биз бунга ишонмаймиз, деган фикрга асосланган ҳолда қўйилишининг ўзини ҳақорат деб ҳисоблайман. Менимча, бу таклифлар муаллифлари Ўзбекистон суверен ва мустақил давлат, БМТ аъзоси эканини унутиб қўяётганга ўхшайди. Президент Ислом Каримов бу таклифларни, Ўзбекистоннинг ички ишларига арлашиш, деб рад этди ва ўйлайманки, бу борада Ўзбекистон раҳбарини қўллаб-қувватлаш керак.

Ислом Каримовнинг «Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди» деган сўзларида чуқур маъно бор, юракнинг туб-тубидан чиққан ушбу сўзларда бутун Ўзбекистон халқининг иродаси ва орзу-умидлари ўз ифодасини топган.

Мустақил парламент комиссияси ва олиб борилаётган текширув ишлари ҳамда Андижонда вазиятни барқарорлаштириш юзасидан Ўзбекистон ҳукумати кўраётган чора-тадбирлар мониторингини амалга ошириш бўйича Ўзбекистонда аккредитация қилинган хорижий дипломатик корпус вакилларидан иборат ишчи гуруҳи рўй берган воқеаларни холис текширишига шубҳа йўқ.

Менинг Ўзбекистонда ишлаётганимга 15 йил бўлди. 13 йилдан буён «Ўзбекистон-Корея» дўстлик уюшмасига раҳбарлик қилиб келмоқдаман. Ислом Каримов мамлакатда ислоҳотлар ва демократлаштириш жараёнини босқичма-босқич амалга ошираётганини ўз тажрибамдан биламан. Ўзбекистон Республикаси ва Корея Республикаси президентларининг тадбиркорлар билан ўтган сермазмун учрашувлари менда катта таассурот қолдирган. Бу учрашувларда Ислом Каримов бизни, Кореялик ишбилармонларни Ўзбекистонда бизнес билан шуғулланишга даъват этди. Бунинг учун мамлакатда барча зарур шарт-шароит яратилган ва хорижий сармоя тўғрисидаги Ўзбекистон қонунининг дунёда муқобили йўқ.

Бизнес-форумда барча шубҳаларга чек қўйилди. Негаки, Ўзбекистонга киритилган хорижий сармоянинг самарадорлигига ва мамлакатдаги барқарорликка Ислом Каримовнинг ўзи кафил. Ўзбекистон қисқа вақт ичида демократлаштириш ва иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда улкан муваффақиятларга эришди. Бу мамлакатда ишбилармонлик муҳитини такомиллаштириш, тадбиркорлар ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, чет эллик ҳамкорлар билан алоқаларни мустаҳкамлаш учун янада қулай шароит яратилмоқда. Жумладан, кейинги икки-уч ой давомида Ўзбекистонда Президентнинг «Тадбиркорлик субъектларининг хўжалик соҳасидаги ҳуқуқбузарликлари учун молиявий жавобгарлигини эркинлаштириш тўғрисида», «Микрофирмалар ва кичик корхоналарни ривожлантиришни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», «Тадбиркорлик субъектлари томонидан тақдим этиладиган ҳисобот тизимини такомиллаштириш ва уни ноқонуний талаб этганлик учун жавобгарликни кучайтириш тўғрисида»ги муҳим фармонлари ва қарори қабул қилинди.

Ҳатто, Халқаро валюта жамғармаси Директорлар кенгашининг жорий йил май ойида ўтказилган мажлисида Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотларга баҳо берилар экан, 2004 йилда ялпи ички маҳсулот жадал суръатда ўсиб, 7,7 фоизга кўпайгани, мамлакат ташқи савдосидаги мувозанат мустаҳкамланаётгани ҳамда солиқ-бюджет соҳаси ривожланаётгани қайд этилди. Бу рақам ва далиллар Ислом Каримов раҳбарлигида Ўзбекистондаги ўзгаришларнинг сакрашларсиз, балки тадрижий равишда амалга оширилаётганини, кенг кўламли эканлигини кўрсатади.

Албатта, Ўзбекистондаги ушбу ижобий ўзгаришларни кўра олмаётган экстремистик кучларнинг мамлакатдаги вазиятни издан чиқариш, халқнинг тинч ва осуда ҳаётига раҳна солишга уриниши кишини ғазаблантиради.

Андижон - меҳнатсеварлар шаҳри, бу ерда кўплаб саноат корхоналари фаолият юритади, кўнгли очиқ ва заҳматкаш одамлар яшайди ва ишлайди. Бироқ мустақиллик йилларида иқтисодиёт, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик жабҳаларида қўлга киритилган ютуқлар фақат барқарорлик ҳамда хавфсизлик шароитида янада ривож топиши мумкин.

Ўзбекистон АҚШ, Россия, Япония, Ҳиндистон каби дунёнинг етакчи давлатлари билан стратегик ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Бугунги кунда Ўзбекистон Корея Республикаси билан ҳам стратегик шерикликни қарор топтириш борасида келишувга эришди.

Мен Корея Президентига кўплаб мамлакатларга сафари чоғида ҳамроҳлик қилганман, лекин Тошкентга ташриф ўзига хос бўлди ва Ўзбекистон халқи Но Му Хённи катта иззат-икром билан кутиб олди ҳамда самимий меҳмондўстлик кўрсатди. Ишончим комилки, унинг Ўзбекистонга ташрифи ва эришилган келишувлар икки мамлакат ўртасидаги муносабатларни муваффақият билан ривожлантириб боришда кучли омил бўлади.

Аминманки, Ўзбекистон ва Корея халқларининг ҳамкорлиги ва ҳамжиҳатлигига террорчилар ва диний экстремистларнинг Андижондаги каби хуружлари ҳеч қачон тўсиқ бўла олмайди. Чунки халқларимизни Ўзбекистонда 70 йилдан буён яшаб келаётган корейс миллати вакиллари мустаҳкам боғлаб турибди. Ўзбек халқи энг оғир кунларда сўнгги бир парча нонини ҳам корейслар билан баҳам кўрган. Ўзбекистон иқтисодиётни ривожлантиришнинг ўтиш даврини бошдан кечираётган бугунги кунда иқтисодий тараққиёт бўйича дунёда ўнинчи ўринда турган Корея Республикаси бу мамлакатни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоғи лозим. Бу жараёнда кореялик бизнесменлар фаол иштирок этиши ва шу тариқа биз ҳамкорлик қилиш учун ишончли шериклар эканимизни исботлаши даркор, деб ўйлайман.

**Ким Юн СОК,**
**16-чақириқ Миллий ассамблея депутати,**
**Корея Республикаси.**
(«Правда Востока» газетаси, 2005 йил 15 июл).

## *2005 йил - Сиҳат-саломатлик йили*

***Бу масканнинг ён-атрофи турфа гулларга бурканган, уларнинг анвойи ислари беморхоналарнинг ичичигача кириб боради. Бир томони эса қуюқ дарахтзор, ёзнинг жазирамасида ҳам бу жойларга тангадек офтоб тушмайди. Ҳовли ва йўлаклар ораста.***

- Бош шифокоримиз Холида Рауповна янгиликларга ўч, фидойи аёл. Шунинг учун ҳам шифохонамиз кейинги йилларда анча нуфузли масканга айланди, - дейди Жиззах вилоят кўп тармоқли болалар касалхонасининг катта ҳамшираси Фаридахон Рашидова.

Бу - ҳақиқат. Айниқса, мустақиллик йилларида шифохона замонавий усулда қайта жиҳозланди, анализатор, УЗД, ФГС, ЭКГ сотиб олинди, улар ёрдамида беморларга аниқ ташхис қўйиб, тез фурсатда даволаш имкони яратилмоқда. Бош шифокор Холида Халилованинг айтишича, айни вақтда шифохонада “японча” тажриба қўлланиляпти. Чет эллик ҳамкасбларимизнинг даволаш ишларидаги ибратли жиҳатларини ўзлаштираётганлигимиз ота-оналарга маъқул келмоқда, дейди у.

Бу ҳақда катта ҳамшира Фаридахон Рашидова шундай дейди:

- 2005 йилнинг бошида икки ой Японияда малака ошириб қайтдим. У ёқдаги таассуротларимни сўзлаб берсам, бош шифокоримиз жуда қизиқиб қолдилар.

# ШИФОХОНАДА ЯПОН ТАЖРИБАСИ

Биз ҳам японча тажрибани қўллаб кўрсак-чи, дедилар. Ҳаммаси шундан сўнг бошланди, аслида.

- Япония касалхоналарида бемор болаларни қандай даволашар экан? - қизиқиб сўрадик биз ҳам.

- Мен “Ҳамширалик бошқаруви курси”ни ўташ жараёнида Токио шаҳридаги кўплаб болалар шифохоналарида бўлдим, - дея суҳбатни давом эттиради Фаридахон. - Ишонасизми, эшикдан киришингиз биланоқ охиста мусиқани эшитасиз. Хоналарда ҳам, йўлакларда ҳам сон-саноқсиз ўйинчоқлар териб қўйилган! Деворларда эса митти жониворларнинг турли шаклдаги суратлари чизилган. Хонадаги бемор каровоти ёнида алоҳида расм, ўйинчоқ ва мульяжлар бор, улар тез-тез янгилаб туриларкан. Ҳар хонада компьютер, ҳамшира “касаллик ташхиси”ни унинг ичига жойлаган, беморнинг кундалик аҳволини компьютерга қайд қилиб боради ва бундан шифокорни хабардор этади. Ҳар беморга биттадан ҳамшира ажратилган. Умуман, япон болалари ўзларини касалхонада эмас, худди уйидагидек ҳис этадилар.

Ҳозирги вақтда вилоят болалар шифохонасидаги муолажалар “японча” усулда олиб бориляпти. Бемор болаларнинг хоналари чиройли жиҳозланган, у мусиқа тинглаши, юмшоқ ўйинчоқлар билан “сўзлашиши”, дам олиш хонасида ўзи ёқтирган машғулот билан банд бўлиши мумкин. Ҳатто оғир ҳолатда келтирилган беморларни даволаш жараёнида ҳам юмшоқ ўйинчоқлардан фойдаланилади. Томирга дори юборишда қўлланиладиган тиббий асбоблар учига ҳам хилма-хил ўйинчоқлар илиб қўйилган. Ҳамшира нина санчаётиб, бемор эътиборини суратлару ўйинчоқларга қаратишга ҳаракат қилади. “Бемор болакай муолажа вақтида ўйинчоққа кўзи тушса ёки мусиқа эшитиб турса, нинанинг оғриғини зумда унутади” дейди Фаридахон.

Шифохонада бемор болалар учун мўъжазгина дам олиш хоналари мавжуд. Беморни кўргани келган ота-она, ака-опалар ҳам махсус хоналарда болакай билан учрашиши ва бемалол суҳбатлашиб ўтиришлари мумкин. Шунингдек 110 беморга мўлжалланган ушбу масканда она ва болани соғломлаштириш учун ўнта алоҳида ўрин ажратилган.

- Беморларда кечадиган турли касалликларнинг олдини олиш бўйича ота-оналар билан ўтказаётган суҳбатларимиз ўз самарасини бераяпти, - дейди бош шифокор. - Беморлар сони илгариги йилларга нисбатан анча камайган. Юқумли хасталиклар билан оғриш ҳоллари деярли учрамаяпти.

Ҳа, муҳтарам Президентимиз “Соғлом халқ, соғлом миллатгина буюк ишларга қодир бўлади” деганлар. Демак, эртамизнинг ишонч ва умиди саналган болалар доимо соғлом бўлишлари шарт. Уларнинг жисман ва руҳан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида фидойилик кўрсатаётганлар сафида Жиззах вилоятидаги кўп тармоқли болалар шифохонаси жамоаси ҳам борлиги бизни қувонтирди.

**Г.КАРИМОВА**

*Шаҳар транспорти*

# МУВАФФАҚИЯТ

## иқтисодий самарадорлик билан ўлчанади

***“Қорақалпоқавтотранс” уюшмаси таркибига кирувчи корхоналарнинг моддий-техник базаси мустаҳкамланиб, йўловчи ва юк ташиш қуввати ортиб бормоқда. Республика Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги тендер танловларини ўтказиш комиссияси белгиланган йўналишлар бўйича ғолиб чиққан жисмоний ва юридик шахсларга тегишли сертификатларни топширди.***

“Нукус транспорти” бошқармаси аҳолига хизмат кўрсатиш самарадорлигини ошириб, йўловчилар учун бирмунча қулайликлар яратди. Оролбўйи пойтахти кўчаларида Новгород вилоятининг Павлово шаҳрида ишлаб чиқарилган дизел ёнилғиси билан ишлайдиган 15 та “Лаз 3205405” русумли янги автобуслар қатнай бошлади. Чипталари арзон, хавфсиз автомобиллар шаҳарнинг энг серқатнов масканларида аҳолига намунали хизмат кўрсатаяпти.

Биргина Нукус шаҳрида 32 та йўналиш бўйича 60 дан ортиқ автобус ва микроавтобуслар қатнаяпти. Жамоат транспортини тараққий эттириш дастурига мувофиқ 9 та янги маршрутлар очилди. Йўлларда “Колсар”, “Асе - Руслан” масъулияти чекланган жамиятлари, “Авто-Дакар”, “Нукус таксопарки”, “19-автосарой” каби корхоналарнинг транспорт воситалари қатнаяпти. Автопаркнинг техника-иқтисодий кўрсаткичлари ўсиб, иқтисодий тежамкорликда юқори натижаларга эришилаяпти. Автопаркдан фойдаланиш қуввати қарийб икки баробарга кўтарилиб, йил давомида 23 миллион 222,7 минг йўловчи манзилларига етказилди.

- Жамоамизда 60 да зиёд микроавтобуслар бор, - дейди “Вандзер” фирмаси ҳайдовчиси Саломат Мақсудов. - Кечаю-кундуз тинимсиз ишлаб, йўловчиларни хоҳлаган манзилларига етказиб қўямиз.

Бугунги кунда республикада 280 дан ортиқ йўловчи ташиш йўналишлари ҳаракатда. Шундан 32 таси шаҳар ичида, 51 таси туманлараро, 19 таси шаҳарлар ва вилоятлараро йўналишлар бўлиб, техника хавфсизлиги талабларига қатъий амал қилинаяпти. Йил давомида “Ўзтранслизинг” уюшмаси томонидан 900 дан ортиқ автотранспорт ҳайдовчиларига йўловчи ва юк ташиш рухсатномалари берилди.

- 2005 йил ғалла ҳосилини йиғиб олишга пухта тайёргарлик кўраяпмиз, - дея суҳбатни давом эттирди 2528-автожамланма транспортдан фойдаланиш бўлими бошлиғи Асан Иkласов. - Юк машиналарини таъмирлаш, тиркамаларни герметизация қилиш ва техник кўрикдан ўтказиш тугалланди.

Корхонанинг Қувончбой Райимов, Қувватбой Кутлимуротов, Бахт Алланиёзов сингари тажрибали ҳайдовчилари ўзларига бириктилган техникани бенуқсон ишлатиб, мавсумда 500 - 600 тоннадан ортиқ донни қабул пунктларига ташиб келтиришди.

Шаҳардаги “Тулпор”, “Дилёр”, “Баҳром-8” Хўжайлидаги “Шарип шах” масъулияти чекланган жамиятлари, Тўрткўл, Беруний, Қўнғирот туманлари автокорхоналари режаларини ошириб адо этишаяпти. Автотранспортчилар халқ хўжалик юкларини буюртмачиларга етказиб беришда “Қорақалпоқпахтасаноат”, “Қорақалпоқдон”, “Қорақалпоқавтойўл” уюшмалари, Қўнғирот сода заводи қурувчилари, ўнлаб қурилиш ташкилотларига яқин кўмакдош бўлишаяпти.

Корхонада носоз техникани бошқаришга йўл қўйилмайди. Вазирлар Маҳкамасининг фармойишига мувофиқ “Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бир ойлиги” тадбири муваффақиятли ўтказилди.

Ишнинг муваффақияти иқтисодий самарадорлик билан ўлчанади. Акциядорларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш ва даромад олишни кўпайтиришга алоҳида эътибор берилаяпти. Йўловчи ва юк ташиш топшириқларини уддалаган, техникани бенуқсон ишлатган ҳайдовчилар рағбатлантириб борилаяпти. Ўтган даврда корхоналарнинг эркин савдога чиқарилган 12,7 миллион сўмлик акциялари Тошкент қимматбаҳо қоғозлар биржаси орқали сармоядорларга сотилди.

**И.ҲИКМАТОВ,**
**“Ишонч” мухбири**

## БОЛАЛАРГА ҚУВОНЧ УЛАШИБ

Жиззах шаҳридаги 29-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ёзни хушманзара Зомин тоғлари бағрида жойлашган «Лочин» оромгоҳида ўтказмоқда. Юзга яқин ўғил-қизнинг мириқиб хордиқ чиқариши учун бу ерда барча шароит яратилган.

«Соғлом авлод учун» жамғармаси вилоят бўлимининг махсус гуруҳи оромгоҳда бўлиб, болаларга байрам тадбири ўтказиб берди. Болажонларга бош-оёқ кийимлар, шахсий гигиена буюмлари, спорт анжомлари туҳфа этилди.

Тадбир қувноқ куй-қўшиқларга уланиб кетди. Вилоят қўғирчоқ театри жамоаси ўзининг янги спектаклини намойиш этди. Гуруҳ таркибидаги малакали врачлар болаларни тиббий кўрикдан ўтказишди.

**(ЎзА)**

# ҚУЛАЙ ВА БЕМИННАТ

Қишлоқ хўжалиги ва саноат маҳсулотларини мамлакатимизнинг турли шаҳарларига етказиб бериш ва келтиришда темирйўл хизмати муҳим аҳамиятга эга. Шу боис Ғулом Тўрабоев етакчилигидаги Яккабоғ темирйўлчилари улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Улар жорий йилнинг шу кунигача 505 вагон, яъни 28548 тоннадан ортиқ юкни жойларга жўнатиб режаларни ошириб ўринлатишди. Йўловчиларга хизмат кўрсатиш соҳасида ҳам муҳим тадбирлар амалга оширилмоқда.

Кейинги йилларда йўловчиларга қулайлик яратиш мақсадида темирйўл бош бекатидаги бинолар қайта таъмирланиб дам олиш зали, она ва болалар хонаси, маданий ҳордиқ чиқариш хоналари қурилди. Бу ишларни сифатли ва тез уддалашда бекат бошлиғининг хизматлари катта. У кишининг ташаббуси ва ишбилармонлиги натижасида бекат атрофи ободонлаштирилиб, йилдан-йилга чирой очмоқда. Ошхона, супермаркет, савдо дўконлари ҳамда бир неча маданий-маиший хизмат кўрсатиш шахобчаларидан кўпчилик баҳраманд.

Ютуқларни қўлга киритишда Музаффар Юсупов, Тилов Мейлиев, Панжи Худойқулов, Хуррам Мўминов, Хуррам Худойбердиев каби ишчи-хизматчиларнинг муносиб ҳиссалари бор.

**Х.ТЎРАЕВ**

*Қонун барчага баробар*

# ВИЖДОН

## ҲАР ИШДА МЕЗОН БЎЛСИН

***Маҳаллий солиқлар ва йиғимларни ўз вақтида ва тўғри ундириш устидан назорат қилиш давлат солиқ органлари зиммасидаги вазифадир. Шу боис жойларда бу борадаги ишларнинг амалга оширилишига катта эътибор билан қаралмоқда.***

Беруний туман давлат солиқ инспекцияси томонидан олиб борилаётган ишлар фикримизнинг яққол далилидир. Вазирлар Маҳкамасининг 280-сонли қарори талабларининг бажарилишини таъминлаш мақсадида туман бўйича 830 маротаба мониторинглар ўтказилди. Нақд пулни топширмаётган ёки кам топшираётган савдо ва хизмат кўрсатиш корхоналари ҳақидаги маълумотлар банк ва инкассация бўлимларига юборилди.

Шунингдек, ходимларимиз туман ИИБ, СВОЖҚК бўлими ходимлари билан ҳамкорликда контрабанда йўли билан товарлар, шу жумладан, алкогол ва тамаки маҳсулотлари олиб келиниши, уларнинг бозор ва бозордан ташқари ҳудудларда сотилиши ҳолатларини аниқлаш ва бундай ҳолатларга барҳам бериш бўйича назорат ташкил қилинди. Текширувлар натижасида акциз маркасиз тамаки маҳсулотларидан 567 қути, алкаголли ичимликлардан 760 шиша, 16, 3,5 литр бўлган 223,9 минг сўмлик спирт маҳсулотлари сотувга қўйилганлиги аниқланди.

Устав фондларини шакллантирмаган корхоналарни тугатиш бўйича инспекция томонидан Беруний туман ҳокимлиги қошидаги махсус комиссияга 214 та сўровнома берилди. Комиссия 121 та корхона фаолиятини давом эттиришни ўринсиз, деб топиб, 73 та корхона фаолиятини давом эттириш мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилди.

Бундан ташқари, солиқ ва тўловларни вақтида тўламаганлиги учун 90 нафар юридик шахснинг қарзларини мол-мулки ҳисобидан ундириб олиш учун Қорақалпоғистон Республикаси хўжалик судига даъво аризаси киритилди. Нақд пул режасини тўлиқ бажармаётган хўжалик юритувчи субъектлар тўғрисидаги маълумотлар асосида уларнинг 49 тасида қисқа муддатли текширувлар ўтказилди. Бунинг натижасида 18 нафар юридик шахснинг харидорга НКМдан чек уриб бермаганлиги ҳолатлари аниқланиб, уларга нисбатан ДСИ томонидан жарима қўлланилди. 6 нафари эса харидорга квитанция бермагани боис жаримага тортилди.

Нақд пул муомаласи ва савдо қоидаларини бузаётган 20 та чакана савдо фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар ва корхона шохобчалари юзасидан туман ҳокимлигига берилган тақдимномалар бўйича ушбу хўжалик юритувчи субъектларнинг чакана савдо гувоҳномалари бир ой муддатга бекор қилинди. Айни пайтда туманда 16 та субъект улгуржи ва 72 та субъект чакана савдо бўйича фаолият кўрсатмоқда. Туман ҳокимлиги ҳамда солиқ инспекцияси ходимларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан ана шу субъектларда товарлар қолдиғи, устав фондининг шаклланганлиги, тегишли моддий техник базанинг мавжудлиги, айланма маблағлар етарлилиги ва банк кредитлари берилиши каби омилларнинг аҳволи ўрганиб чиқилмоқда. Барча буюм бозорларида савдо қилишни тартибга солиш мақсадида рейд текширувлар ўтказилмоқда.

Туманда фойдаланилган электр энергияси учун бўлган дебиторлик қарзларини камайтириш борасида ҳам талай ишлар амалга оширилмоқда. Яъни, 20 та хўжалик юритувчи субъектларнинг электр энергияси бўйича муддати кечиктирилган қарзларни мол-мулки ҳисобидан мажбурий ундириб олиш учун хўжалик судига даъво аризалари берилди.

Иш ҳақидан қарздор бўлган 23 та корхона бўйича тўпланган маълумотлар чора қўллаш учун Беруний туман прокуратурасига юборилди. Ушбу масала бўйича 4 та корхонага жиноий иш очилиб, 8 та корхонанинг мансабдор шахсларига маъмурий жарималар қўлланилди.

**Х.БЕКЧАНОВ,**
**Беруний тумани давлат солиқ инспекцияси бошлиғи**

## РУСТАМ ХАЛҚАРО СЕМИНАРДА ҚАТНАШДИ

***Бухоро шаҳридаги 8—мактаб директори Рустам Остонов Хитойда ўтказилган «Таълим марказларини ташкиллаштириш» мавзуидаги халқаро семинарда қатнашиб қайтди. Унда Осиё ва Африканинг 12 мамлакатидан вакиллар иштирок этди.***

— Хитойда таълим марказларини ташкил этиш бўйича катта тажриба тўпланган, — деди Рустам Остонов «Туркистон-пресс» мухбирига сафар таассуротлари билан ўртоқлашар экан. — Бандлик шароитлари ва таълим тизимини ҳисобга олган ҳолда кадрлар тайёрлаш мазкур марказларнинг бевосита вазифаси ҳисобланади. Хитой тажрибаси Бухорода турли йўналишдаги мутахассисларни тайёрлаш бўйича аниқ дастур ишлаб чиқишда қўл келади. Кишиларни янги касбларга йўналтириш, маҳаллалардаги ишсиз юрган одамлар учун семинарлар ўтказиш мўлжалланяпти. Буларнинг бари тегишли ташкилотлар, чунончи, Савдо-саноат палатасининг кўмагида ўтказилади.



# ШАНБА – ДАМ ОЛИШ САҲИФАСИ

***__Тасаввур қилинг. Боғ ичидаги яшил ўтлоқзордасиз. Майсаларнинг сирли шитири, жилғаларнинг чулдираши, япроқларнинг оҳиста шивирларини эшитяпсиз. Қушларнинг сайроғи эса бу нозик товушларга янада жозиба бағишлайди ва руҳиятингизга ажиб бир сокинлик кириб келаётгандек бўлади. Олимларнинг айтишича, сиз худди шундай кезларда бироз сергакроқ турсангиз ҳатто очилаётган гулларнинг «овози»ниям эшитаркансиз! Афсуски, биз ён-атрофимиздаги табиий товушларни ҳадеганда илғайвермаймиз. Нега шундай? Чунки, кўча-кўйдаги турли-туман шовқинлар бу гўзал товушларнинг бизга етиб келишига тўсқинлик қилади.__***

## ГУЛ ҲАМ «СЎЗЛАЙДИ»МИ?

Шовқиннинг кун сайин кучаяётгани эса кўпгина муаммоларни келтириб чиқармоқдаки, бунинг оқибатида асаб бузилишлари, қон босимининг ортиши, эшитиш қобилиятининг йўқолиши сингари хасталиклар кўпаяётир. Француз тиббиётчиларининг фикрича, психиатрия шифохоналарида даволанаётган беморларнинг ҳар бештасидан бири шовқин туфайли кучли асаб касаллигига чалиниб, ақл-ҳушидан айрилган. Америка олимлари ўндан ошиқ турдаги гулларнинг ўсиш жараёнини текшириб, «гуллар ёнида қаттиқ гапирманг» деган хулосага келдилар. Негаки, шовқинли товушлар гуллар ўсишини 45-50 фоизга секинлаштириши маълум бўлди.

Мен республикамизга таниқли бўлган олима – Тошкент Давлат тиббиёт институти «Лор» кафедрасининг мудири, профессор Қундуз Хўжаева билан суҳбатлашганимда у «шовқин-сурон секин-аста кишини карликка олиб боради» деган гапни айтди. Шунда мен олимага ўзимни қизиқтирган саволни бердим.

– Тиббиётга оид манбаларда ёзилишига кўра, турли даражадаги шовқинлар, шунингдек, заҳарли газлардан нафас олиш марказий нерв системаси ва юрак-томир тизимига салбий таъсир этиб, жиддий хасталикларга сабаб бўларкан, шу ҳақда нима дейсиз?

– Шовқин таъсирида уйқу бузилади, одам тез чарчайди, руҳан толиқади, – дейди олима. – Шовқинлар фақат асаб касалликларини эмас, балки гастрит, ўн икки бармоқли ичак ярасини ҳам зўрайтириб юборишга қодир. Катта шаҳарлардаги шовқин-сурон киши умрини 8-12 йилга қисқартиради деган маълумотлар бор. Узоқ вақт юқори частотали товушлар (дискотека ўтказиладиган жойларда ёки овоз ёзиш студияларида баланд янграётган мусиқа)нинг вибрацияси кучайган кезларда у худди бетонга урилган болға товушига тенг келади ва қулоқ пардаларига ёмон таъсир этади. Бу эса охир-оқибат карликни келтириб чиқаради.

Қундуз Хўжаеванинг таъкидлашича, заҳарли газларнинг ҳаво орқали ичга ютилиши ҳам кўплаб касалликларга сабаб бўларкан. Ҳозирги кунда жаҳонда 400 миллиондан ортиқ автомобил борлигини ҳисобга олсак, атмосфера ҳавосига чиқарилаётган заҳарли газлар миқдори анча салмоқлидир. Шунингдек, чанг таркибидаги заҳарли моддалар камқонлик, полиартрит, аллергик касалликларни юзага келтираркан. Чет давлатларда жамоат йўл транспортлари махсус комиссия назоратида бўлиб, автобусдан чиқаётган нохуш ҳидлар йўловчиларга қай даражада таъсир қилиши аниқлаб борилади.

Демак, шовқин ва заҳарли газлардан ўзимизни ҳимоя этишимиз, ётоқхоналаримиз деразаси серқатнов кўчага қараган бўлса, ҳовлимиз ён-атрофига манзарали дарахтлар экиб кўпайтиришимиз керак экан. Шуни унутмаймизки, экологик зарарли омиллар танамиздаги иммунитет (касалликларга қаршилик кучи)ни ҳам сусайтириб юборади. Бунинг олдини олиш учун шовқин-сурон ва чангу гардлардан ўзимизни четда олиб юрсак кифоя.

Ҳа, мақола давомида айтилганидек, табиий товушлардан руҳимиз нечоғлик ором олиши маълум. Гулларнинг очилиш пайтидаги «товушлари»ни эшитар даражада сокинлик барқарор бўлса, асабларимизга ҳам ҳеч бир азият етмайди.

**Гулчеҳра ЖАМИЛОВА**

## БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯХШИ

Ер куррасидаги қуруқликнинг ҳар бир квадрат километрига тўғри келадиган ҳашоратлар бутун планетамизда яшайдиган кишилар сонидан ортиқдир.

* * *

Ироқ археологлари ёзувли кесак тахтачалар топишди. Улардан маълум бўлишича, Пифагор туғилмасдан 1500 йил илгари ҳам номаълум математиклар масалаларни ечиш учун «катетларнинг квадратлари йиғиндиси гипотенузанинг квадратига баровар» деган теоремадан фойдаланган эканлар.

* * *

Сўнгги 80 йил ичида Ўрта ер денгизидаги Корсика ороли Шарқ томонга 10-12 километр силжиди.

## ҚАЛАМ ҚАЧОН ПАЙДО БЎЛГАН?

Қаламни ҳамма яхши билади. Кишилар унинг ёрдами билан хат ёзадилар, рассомлар бадиий ишларнинг хомаки нусхаларини аввало қаламда чизадилар.

Қадимги римликлар учи ўткирлаштирилган металл таёқча билан мум тахтачаларга ёзардилар. Материалнинг сиртида қора из қолдирадиган қўрғошин таёқчалар кейинчалик кенг тарқалиб кетди. Ўрта асрдаги ўқувчи ҳамиша ўзи билан қўрғошин мих ва теридан қилинган дафтар олиб юрарди. Қоғоз пайдо бўлиши билан қўрғошин ва кумуш таёқчалардан рассомлар кенг фойдаланадиган бўлдилар. Расмлар бўр ёки суяк кукуни билан қопланган қоғозга озгина пушти, яшил, оқ ва шу каби ранглардан қўшиб чизиларди.

1790 йилда графит қалам ихтиро қилинди. Француз механиги Конте графит кукунини қотиштириб, қалам ясаш усулини ўйлаб топди. Бунда графит кукуни маълум миқдорда хилма-хил тупроқ билан аралаштирилди. Кейин у қисиштирилиб, ёғоч қобиққа ўралди.

Натижада ҳозир ишлатилаётган қаламларга ўхшаш қалам юзага келди.

## ИСМ-ФАМИЛИЯЛАР ТАРИХИДАН

Исмлар ҳақида ҳам фан мавжуд бўлиб, у «ономастика» деб юритилади. Исм тўғрисида сўз кетар экан, унинг «қариндошлари»ни, масалан, лотинча «номен», грекча «онома», немисча «неме» каби сўзлар учрашишини айтиб ўтиш жоиздир.

Чунки бу сўзлар «ономастика»нинг заминини ҳисобланади.

Қадим замонларда бир исмга бойлар эга бўлган бўлса, бошқа бир «қадри пастроқ» исм билан камбағаллар аталган. Ўрта асрда Кореяда аёллар умуман исмга эга бўлишмаган. Улар шунчаки, кимнингдир хотини ёки синглиси, ё онаси деб юритилган. Бошқа мамлакатларда эса аёллар эркакнинг номига ўтган.

### *Турфа олам*

Фамилия – одамзотнинг иккинчи исмидир. У қадимги Римда пайдо бўлган. Ўша пайтда жой номлари фамилиялар сифатида қабул қилинган.

Мазкур минг йилликнинг ўрталарида фамилия бутун Европа давлатларида урф бўлган. 1861 йилда Россияда крепостной ҳуқуқ барҳам топганидан сўнг барча фуқаролар ўз исм-фамилияларига эга бўлишди.

## ЖАНГОВАР ФИЛЛАР ШУҲРАТИ

Ўтмишда автотранспорт ўрнида – отлар, милтиқ ўрнида ёй, танклар ўрнида эса филлардан фойдаланишган. Филлар гуруҳи эрамиздан олдинги 247-183 йилларда яшаган испаниялик машҳур саркарда Ганнибал армиясида ҳам, Бирма қироллари аскарларида ҳам бўлган.

Филлар икки минг йилдан зиёд давр ичида жанг майдонида жавлон урган, душманнинг ҳимоясиз қўшинлари устига бостириб бориб саросимага туширган.

Ганнибал замонасида ва қадимги Шарқда жонли танк-филлар душман ўқидан ўзини фақат табиат ато этган қалин териси билангина ҳимоя қилган. Филлар устига беш-ўнта ёй отувчилар ўтиришарди. Филнинг жанговар қудратини ошириш учун унинг узун ва йўғон тиши учига бир томони найза темир қопқоқ кийгизиларди. Баҳайбат ҳайвон бундан янада ваҳимали кўринарди.

Умрида филни кўрмаган душманга қарши бу ҳайвондан фойдаланишнинг айниқса самараси бор эди, чунки фил ҳужум қилмасданоқ, унинг важоҳатини кўрган душман ўтакаси ёрилиб қочарди.

Кейинчалик филларга бронза ва темирдан совут кийгизилди, оёқларига эса металлдан бурама мислар ўраладиган бўлди. Ўт отадиган қуроллар пайдо бўлгач, филлар аскарларнинг милтиқ ва тўплари олдида ожиз бўлиб қолди.

Ўрмон султони – филларнинг ҳарбий шуҳрати шу тариқа тугади.

**Акбар АЛИЕВ**

## ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИГА СОВҒА

«Сиҳат-саломатлик йили» давлат дастури доирасида мамлакатимиз таълим тизимида қатор янгиликлар амалиётга татбиқ этилмоқда. Мактабларда «Саломатлик дарси» жорий этилиши айни муддао бўлди.

«Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» дастури бўйича ўқитувчилар учун факультатив дарслар йўлга қўйилди.

Ана шу дастур асосида «Соғлом турмуш тарзи асослари ва оила» деган услубий қўлланма ёзилди. Янги ўқув йили олдидан бу адабиёт кўп нусхада босиб чиқарилади.

## ЎЗБЕК ЎҒЛОНИ ҲАҚИДА ФИЛЬМ

Иккинчи жаҳон урушида Белоруссияни фашистлардан озод қилишда ўзбек марду майдонлари ҳам жон олиб жон бердилар. Могилевск вилоятида ҳаракатда бўлган бешинчи партизанлар отрядида хизмат қилган ўзбек ўғлони Мамадали Топиболдиев кўрсатган жасоратни белоруслар ҳали-ҳали эслаб юришади.

Ана шу уруш қаҳрамонининг мардлиги «Икки халқ ўғлони» деб номланган ҳужжатли филмда ўз аксини топди.

Ўзбек жангчисини мадҳ этувчи мазкур филм Буюк Ғалабанинг 60 йиллиги муносабати билан суратга олинди.

Бу ҳаяжонли экран асари яқинда Белорус «Лад» телеканали орқали намойиш қилинди.

**Л.ҚОБИЛОВА**



## БЕШИК

### *Ҳикоя*

(Боши ўтган сонда)

Бир кеча ғалати туш кўрдим. Торгина ҳовлимизда чопқиллаб юрган бола эмишман. Ойим устига қизил бахмал ёпилган, чойшабларидан тортиб ёстиқчасигача янги шу бешикни кўрсатиб "Ухлайдиган вақтинг бўлди. Келақол, ўғлим. Белаб қўяман" дермишлар. Чўчиб уйғондим. Тонггача хаёл сурдим ва эрталаб бу туш тўғрисида ойимга хат ёздим. Лекин жавоб олмадим. Ўсмирлик йилларимда шу бешикни бир неча марта печкага ёқиб юбормоқчи бўлгандим. Чунки тор уйимизни баттар тор қилиб бурчакда, гоҳ токчада турарди. Бир марта бешикни чиқариб ташламоқчи бўлганимда ойим "Ундай қилма! Бешиксиз уй бахтсиз бўлади. Дадангдан қолган ёдгорлик" деб қўлимдан тортиб олган эдилар.

Йиллар кетидан йиллар ўтаверди. Худо менга бошқа фарзанд бермади. Бу орада мен дардманд бўлиб қолдим. Совуқ тушиши билан оёқ, белим зирқираб оғрир, тез-тез иситма кўтарилар, кечалари йўталдан қийналардим. Узоқ вақт даволанишга тўғри келди. Бир кун дори-дармон сарфланган пулни ҳисобладим. Анчагина маблағ кетибди. "Қарзингни қачон тўлайсан?" сўради хотиним. "Қанақа қарз?" дедим ҳайрон бўлиб. "Шунча сўм сени даволашга кетди-ку!" "Эр-хотин ўртасида қарз-парз бўлмайди" дедим сал жаҳлим чиқиб. "Сен ҳақиқий эр эмассан. Муқим яшайдиган уйинг, фарзандинг йўқ. Шамолда осмонга кўтарилиб тўғри келган томонга учадиган гардсан" деди у пинагини бузмай.

Буюм халтани елкага илдим-да кўчага чиқиб кетдим. Шундай қилиб кийимим юпун, ёнимда сариқ чақам йўқ, девонага айланиб қолдим. Ниҳоят куз кунларининг бирида поездга ўлтирдим. Йўлда тортган азобимни айтсам, раҳмингиз келади. Ҳеч ким қариган чоғида ўзга юртда хор бўлмасин экан. Пулим тугаб, бекатларда ҳафталаб қолиб кетдим. Тамбурда тепки еб хўрландим ва айни қиш пайтида Тошкентга етиб келдим. Поезд шаҳарга кираётганда қувончдан йиғлаб юбордим. Қуёш чарақлаган, худди баҳордагидек илиқ кунлар экан. "Ёруғ кун бор эканку!" дедим кўзимда ёш билан. Нурдан танамга қон югурди. Мени анчадан буён эзиб келаётган ваҳима, қўрқув бирдан йўқолди. Бекорга она юрт қўшиқ қилиб айтилмас экан. Шундай бир ҳиссиётни сездимки, буни тушунтириш қийин. Перронга қадам қўйдиму ўзимни ташладим. Ерни ўпганимни ўзим билмай қолдим. Кимдир мени йиқилиб тушди, деб ўйлади шекилли, қўлтиғимдан даст кўтариб турғазди. Четроққа ўтиб ҳаяжонни босиш учун бошимни эгиб ўлтирдим. Очликдан силлам қуриган, оёқларимда мадор қолмаганди. "Бобой, буни еб олинг", деган овоздан бошимни кўтардим! Тепамда етти-саккиз ёшлардаги бола обинон ва икки дона сомса ушлаб турарди. Унинг пирпираб турган киприклари, чақноқ кўзларига беихтиёр тикилиб қолдим. Нима учундир марҳум ўғлим ёдимга тушди. Бирдан ичимда ғалаён бошланди. Болани ўзимга тортмоқчи бўлиб қўл узатдим. У нонни қўлимга тутқазди-да панжарага суяниб турган оқ рўмолли барваста кампир томон югуриб кетди. Кампирнинг юзи бир қарашда ойимга жуда ўхшаб кетди. "Ойи" деб бақириб юборишимга оз қолди. Бола мен томонга бир-икки қаради ва бувисининг қўлидан тутиб трамвай бекати томон юрди.

Бирдан юрагимда санчиқ пайдо бўлди, нафасим қисилди. Қўрқиб кетдим. Ҳозир ўлиб қолсам керак, деб ваҳимага тушдим. Хайриятки, кўп ўтмай санчиқ тўхтади, руҳим тиниқлашди. Нонни юзимга босдим ва менга таниш бўлган ҳид димоғимга урилди. "Вали, сен ғирт аҳмоқсан. Сенга умрини бахшида этган онанг ва шундай чароғон юртнинг қадрига етмадинг", - шундай уйлар билан қоринни тўйдирдим.

Ўзимни анча енгил ҳис қилиб ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Не кўз билан қарайки, одамлар олдимга пул ташлаб ўтишаяпти. "Юз грамм отса ўзига келиб қолади" — деди кимдир. «Тўғри айтасиз. Ғирт алкаш экан. Бурни қип-қизил» - деди яна бири. Номусдан ерга кириб кетай дедим. "Бурни қип-қизил", бу сўзлар қулоқларим остида жаранглайверди. Бекатдаги катта ойнага қарадим ва ўзимдан жирканиб кетдим. Бурним совуқдан қизариб кетган, кийимим исқирт эди. "Бундай башара билан онамнинг кўзига қандай кўринаман?" - бу савол миямда айланаверди. Нима қилишимни билмай бекат атрофида айланиб юрдим. Пўрим кийинган, барваста, ёши ўтиб қолган бўлса-да кўркини йўқотмаган одам ошпазларга нимадир тушинтираётиб менга бир назар ташлади, бир оздан кейин яна қаради ва олдимга келди. "Жўна бу ердан! Мижозларимнинг кўнглини айнатасан! — деди ўшқириб. Бу ҳақорат нафсониятимга тегиб кетди. Нимадир демоқчи бўлиб унинг кўзига тик қарадим. У ҳам узоқ тикилиб қолди. "Башаранг танишдек. Кимсан? — деди сал шаштидан тушиб. Унинг юзига тикилдим ва "Лочин" дедим пичирлаб. "Валимисан?" - у қучоғини очди. У кўкчалик "Лочин" лақабли энг яқин дўстим эди. Бир даврлар у билан топганимизни ўртада баҳам кўрардик. Хуллас, Козим эски қадрдонлигимиз туфайли анча мурувват кўрсатди. Янги кийимбош, онангга совға ол, деб қўлимга бир даста пул тутқазди.

Трамвайга ўлтирдим ва уйга жўнадим. Ўзим туғилиб вояга етган шаҳарни ўзим танимадим. Мустақиллик йилларида шаҳарни янгидан қуришибди. Осмонўпар бинолар, фаввораларни кўриб ҳайратда қолдим. Лекин... Менга азиз бўлган ўша пастак уйимизни, энг ачинарлиси онаизоримни тополмадим. Маҳалламиз аллақачон бузилиб, янги уйларга кўчиб кетишган экан. Онам тўрт йил аввал оламдан кўз юмган эканлар, Кўзлари хиралашиб қолган бўлса ҳам бу бешикни янгидан тузабдилар ва қўшнимиз Қумри опага "Бу бешикни Валижон ўғлим хатида сўраган эди. Келса бериб қўй" дебдилар. Онажоним қабрини қучоқлаб тўйиб йиғладим. Ёшнинг шўр бўлишини биринчи марта англадим. Онамнинг кўзлари бекорга хиралашмаганини тушундим.

Ҳамроҳим ўрнидан турди, сигарет тутатиб ёришиб келаётган осмонга узоқ тикилди.

- Энди Янгиободда яшайсизми? - сўрадим маъюс тортиб.

— Онамнинг жияни Эсонбой тоға бошпана берса, қоламан. Бир-иккита ҳунарни яхши эгаллаганман. Одамларга нафим тегиб қолар.

Бахмал ёпғични аста кўтардим. Ёғочи ўз рангини йўқотиб бўлган, оппоқ чойшаб, гулли матодан қилинган қовуз, жажжи ёстиқча менга кичкина ватандек кўриниб кетди. Нурсиз кўз билан нина ушлаган ва ўғлининг йўлига термулган, бу ҳикматли бешикни шунча йил асраган онани кўз олдимга келтирдим. Бирдан ойимни, мункайиб қолган падари бузрукворимни жуда соғинганимни ҳис қилдим. Ҳозир бораману қучоқларига отиламан, иш билан бўлиб келолмаганим учун узр сўрайман. "Мен ва укаларим ётган бешик қаерда?" - бу савол мени ўйлантириб қўйди.

**Насимжон МАМАДАЛИЕВ**

## НИМ ТАБАССУМ

– Ойи, анави кишини қаранг, бошида сочи йўғ-а?

– Жим, секин, эшитиб қолади.

– Ие, буни ҳали ўзи билмайдими?

* * *

– Ўғлим, папирос чекмагин, соғлиққа зарар, – деди онаси.

– Буни дадам биладиларми? – сўради ўғил.

* * *

Беш ёшли бола кўчада йўловчидан йиғлаб сўраяпти:

– Менга ўхшаган кичкина бола етаклаган бир аёлни кўрмадингизми?

* * *

Бир композитор ўртоғи билан кўчадан кетиб бораётган экан, ўтиб кетаётган болалар салом беришипти.

– Ўх-ҳў, қойилман-е, – депти ўртоғи, – жуда машҳур экансан-ку!

– Йўқ, – депти композитор, – ўғлим мактаб футбол командасининг ҳужумчиси.

* * *

Она ўғли Бахтиёр билан сувратчининг олдидан қайтди.

– Қалай, – деб сўради ота. – Сувратчи Бахтиёрни кулиб турган ҳолда сувратга тушира олдими?

– Йўқ, – деди онаси. – Сувратчи Бахтиёрни кўндиролмади, лекин Бахтиёр сувратчини йиғлатди.

* * *

– Бувижон, тишларингиз борми?

– Йўқ, болам.

– Унда манави кулча нонимни ушлаб туринг, бироз ўйнаб келай.

* * *

Кимё ўқитувчиси:

– Шу тангани кислотага ташласам, эрийдими, йўқми?

Ўқувчи:

– Йўқ.

– Тўғри! Эримаслигини қаёқдан билдинг?

– Эриса, ташламас эдингиз-да...

* * *

Шерлок Холмс билан Ватсон яйдоқ далада тунаб қолишипти. Ярим кечада Холмс осмонга ишора қилиб сўрапти:

– Ватсон, анави юлдузлар нимани билдиради?

– Эртага об-ҳаво яхши бўлишидан дарак беради.

– Хўп фаросатингиз бор-да, Ватсон! Ўғри устимиздаги чодирни ўмариб кетишганини билдиради.

## УНУТИЛМАС ФЕСТИВАЛ

Бўстонлиқ туманининг Юсуфхона қишлоғида жойлашган «Ниҳол» болалар соғломлаштириш оромгоҳида «Мустаҳкам оила-қудратли Ватан» мавзуида анъанавий болалар фестивалининг иккинчи босқичи ўтказилди.

Маълумки, «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси томонидан болаларнинг ёзги таътил даврида турли мусобоқалар ва фестиваллар ўтказиш анъанага айланган. Навбатдаги болалар фестивали ҳам тоғ ён бағирларида жойлашган оромгоҳларда дам олаётган болаларнинг мактабдан узоқлашмаган ҳолда ҳордиқ чиқаришлари ва турли спорт машғулотлари билан мунтазам шуғулланишлари мақсадида ташкил этилди. Унда Бўстонлиқ таманидаги «Оқ елкан», «Чотқол» оромгоҳларида ҳордиқ чиқараётган болаларнинг саҳнавий чиқишлари намойиш этилди.




Тузувчи: Ф.ОРИПОВ

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Қашқадарё вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси раиси Эсон Ражабовга қайнонаси **ЖУМАГУЛ ая**нинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ISHONCH

МУАССИС: Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Рихсиев, Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.

IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

*«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.*

Тиражи: 7765 Буюртма Г— 616 1 2 3 4 5 6